

TASHRIF



№ 02-сон (146)
2021 йил 29 январь, жума

Ижтимоий — сиёсий газета

E-mail: tashrif-gzt@mail.ru
Газета 2015 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

ЮКСАК ЭЪТИБОР ИФОДАСИ


Юртимизнинг доврүкли спортчилари

Спорт билан шуғулланган кишилар жисмонан соғлом, маънан бой бўладилар. Спорт инсонни сабрли, чидамли, жасур бўлиб етишишида муҳим роль ўйнайди. Ёшларимизни ватанга садоқатли ва соғлом инсонлар этиб тарбиялашда ҳам спортнинг ўрни бўлакча. Қаерда спортга эътибор кучли бўлса, кенг тарғиб қилинса, ўша ерда соғлом турмуш тарзи қарор топади ва унинг давлатлараро нуфузи баланд бўлади.

Юртимизда ҳам спорт йил сайин оммалашиб бормоқда. Бу дегани аҳолининг барча қатламларида, ҳатто имконияти чекланган ва ногиронлар ўртасида ҳам спорт мусобақалари йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ спортга катта эътибор берилмоқда. Соҳани ривожлантириш бўйича қатор қарорлар ва фармонлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси ҳам таъминланмоқда. Қисқа муддат ичида жаҳон андозаларига жавоб берадиган “Бунёдкор” футбол майдони, “Муз” спорт саройи, “Хумо” спорт аренаси, “Жар”, “Сурхон” спорт мажмуи ва сувда сузиш ҳавзалари бунёд этилди. Ана шундай замонавий спорт иншоотларининг мавжудлиги туфайли кўплаб халқаро мусобақалар, жаҳон чемпионатлари, қитъалараро кубок мусобақалари, саралаш учрашувлари бизнинг жонажон Ўзбекистонимизда ҳам ўтказиб келинмоқда.

(Давоми 8-саҳифада).



Президентимиз нутқини тинглаб...

Яқинда давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев маънавиятни юксалтириш бўйича видеоселектор ўтказди. Мен шу юртнинг фарзанди сифатида ушбу йиғилиш тафсилотларини кузатиб бордим.

Йиғилишда Президентимиз мамлакатимиз мафқурасининг асосий ғоясини таъ-

миз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган, деди Президентимиз.

МАЪНАВИЯТИ БУЮК МИЛЛАТМИЗ



кидлаб: “Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафқура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушуна-

миз. Давлатимиз раҳбари янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик бўлади дея таъкидлаганларида кўзларимдан севинч ёшлари қалқди. Ўтган 2020 йил халқимиз, қолаверса, бутун дунё халқлари учун ҳам оғир йил бўлди.

Пандемия ва Сирдарёдаги техноген оқибатларини барта- раф этишда халқимиз

аждоқларимиз маънавиятига, мафқурасига хос фазилатларини яна бир бор намоён этди. Селдан азият чекканларга ёрдам қўлини чўзди. Қўшни вилоятлар аҳолиси сирдарёликларга ўз хонадонларидан жой берди. Уларни ўз оиласи бағрига

олди.

Янги Ўзбекистоннинг мафқураси аждоқларимизнинг минг йиллик қадриятлари асосида шаклланаётганлиги Президентимизнинг йиғилишдаги нутқларида ҳам ўз ифодасини топди. Қадриятларини қадрлаган миллат албатта юксалади, ривож топади. Ўзбекистонимизнинг бугунги кундаги шиддат билан ривожланишида ҳам ҳикмат, ҳосият бор.

(Давоми 2-саҳифада).

БИЗ ЁШЛАР

мустақил Ўзбекистоннинг бугуни эртаси ва келажакимиз

Биз ёшлар тараққиёт саритинмай одимлаётган мустақил Ўзбекистоннинг чинакам дилбандларимиз. Ўқиб ўрганишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Имкониятлардан унумли фойдаланиб мустақил ватанимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса кўшамиз.

Мен айна пайтда Денов тадбиркорлик ва педагогика институтида таҳсил оламан.

Бу ерда менга ўз касбининг устаси бўлган фидойи ўқитувчилар сабоқ беришади. Илм чўққиларини забт этишда кўмак бераётган устозларимиз йўлчи юзлдуз сингари келажакимизни ёритиб туради, шу боисдан ҳам биз талабалар эртаси порлоқ юртнинг чинакам дилбандларимиз десак муболаға бўлмайди. Нигоҳимизда келажакнинг учқунлари порлайди. Устозларимизнинг ўғитлари ва панд-насихатлари бизни эзгуликка, порлоқ ва нурли келажакка чорлайди.

Маълумки, ҳар бир халқнинг тараққиёти эртанги келажак ва ёруғ истиқболи ҳар жиҳатдан билимли,

маънавиятли ва энг асосийси ватанпарвар ёшларга боглиқдир.

Шу боис ҳам биз ёшлар, юртимизда яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, қўлни-қўлга тутиб, ҳамжихатликда фаолият юритиб, юксак марраларни забт этмоғимиз керак. Биз иймони бутун, покиза халқимиз.

Давлатимиз айна ушбу жаннатмакон ўлкага айлангунга қадар не не синовларни бошдан кечирмади. Қанчадан-қанча аждоқларимиз бизни мана шу тинч, фаровон ва хотиржам ҳаётимиз учун жон фидо этди. Биз қаддини ҳеч ким бука олмаган аждоқларимизнинг авлодимиз. Улардан қолган ушбу оромбахш диёрни кўз қорачигимиздек асрашимиз лозим. Фақатгина асраш билан чегараланиб қолмасдан гуллаб-яшнатиб, ривожлантириб, ўзбек деган номнинг доврүгини дoston қилишимиз ҳам керақдир. Зеро, биз ёшлар ушбу дорилон заманининг бугуни, эртаси ва келажакимиз.

Муштарийбону ЯНГИБОЕВА, Денов тадбиркорлик ва педагогика институтининг 1-босқич талабаси.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодийнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

МУНОСАБАТ

Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бунинг ижобий натижаси ўлароқ янги замон кишиларининг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Биз ҳам 1990 йилда “Акбар” фермер хўжалигини ташкил қилгандик. Тўғри, дастлабки даврда айрим муаммоларга дуч келдик. Ўзига хос қийинчиликлар бўлди. Келажакка ишонч ва умид билан қараганимиз учун камчиликлар бартараф қилинди. Хўжалигимиз аста-секин ривожлана бошлади.

Ҳозирги кунда тасарруфимизда 363 гектарга яқин ер майдони бор. Пахта ва ғалла етиштирамиз. Қорамол ва қўйчилик ташкил этилган. Бодом экилган боғ мавжуд. Балиқчиликка

асос солинган. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва полиз экинлари асосий тармоққа айланган. Бир сўз билан айтганда талай йўналишлар барқарор ривожланаёпти.

Изланиш, интилиш ва ҳалол меҳнат ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. 2019 йилда хўжалигимизнинг соф фойдаси 85 миллион сўмдан ошган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич янада салмоқли бўлди.

Ишончимиз, кишлқ хўжалиги соҳасида 40 йилдан ортиқ меҳнат қилган бўлсам, илгари бундай шароит ва имконият бўлмаган. Деҳқон бой бўлганини эшитмаганман ҳам. Қисқа даврда Юртбошимиз томонларидан қатор қарор ва фармонларнинг қабул қилингани кишлқ хўжалиги соҳасини тубдан ўзгартирди. Ислохотларнинг изчил

давом этаётгани эса бизга янада куч-қувват ва илҳом бахш этмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида бунга яна бир бор эътибор қаратилгани мени янада хурсанд қилди. Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш доимий ва устувор вазифа бўлиб қолиши борасидаги фикрларидан ниҳоятда мамнун бўлдим. Тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт, деганларидан руҳландим.

Сир эмас, юртдошларимиз орасида кам таъминланган, ногирон ва боқувчисини йўқотганлар топилади. Ижтимоий муҳофазага аҳоли қатлами бор. Ана

шундай инсонларни қўллаб-қувватлаш ва турмуш даражасини яхшилаш мақсадида ҳар йили 15-20 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатамиз. Моддий қўллаб-қувватлаш назаримиз-

дан четда қолаётгани йўқ. Меҳр кўзда, мурувват дилда бўлади, деганларидек хайрли анъанани бундан кейин ҳам давом эттириш кўзда тутилган.

Аслида, янги замон кишилари юрт тараққиётига камарбаста бўлишлари керак. Тадбиркор, ишбилармон ва фермерлардан янги иш жойлари ташкил қилиш, кишлққа санотни олиб кириш, соҳаларни кенгайтириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш талаб қилинаётган экан, албатта, Юртбошимизнинг юксак ишончларини оқлашга ҳаракат қиламиз.

Шайдулло ҚУРБОНОВ,
Шўрчи туманидаги “Акбар” фермер хўжалиги иш бошқарувчиси.

МАЪНАВИЯТИ БУЮК МИЛЛАТМИЗ

(Боши 1-саҳифада)

Йиғилишда таъкидланганидек, “Маълумки, бугун дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сурмоқда, манфаатлар тўқнашуви кучаймоқда. Глобаллашув жараёнлари инсоният учун беқиёс янги имкониятлар билан бирга қутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортмоқда. Фақат ўзини ўйлаш, меҳнатга,



оилага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти турли йўللار билан одамлар, айниқса, ёшлар онгига устамонлик билан сингдириляпти.

Терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибер-жиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи ошиб бормоқда. Баъзи ҳудудларда атайин беқарорлик юзага келтирилиб, норозилик кайфияти авж олдирилмоқда.”

Давлатимиз раҳбари йиғилишда таъкидлаганидек, “Бугун ҳаёт янги фикрлаш ва ишлаш, миллий “ақл маркалари”ни шакллантиришни талаб этмоқда. Афсуски, атрофдаги барча сиёсий-ижтимоий жараёнларни чуқур тушуниб, таъсирчан тилда етказиб берадиган таҳлилчи ва экспертларимиз жуда кам. Бундай вазиятда жамиятни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги илмий-амалий тадқиқотларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.”

Бир сўз билан айтганда, юртимизда маънавиятни юксалтириш борасида шахдам қадамлар ташланмоқда. Бу хайрли ишдан ҳеч ким четда турмайди. Зеро, халқимиз аждодлар маънавияти ва қадриятларини қадрлаб, эъзозлаб келётган халқ саналади.

Фахриддин ШЕРНАЗАРОВ,
Денов туманидаги 28-мактабнинг ММИБ директор ўринбосари.

Таълим-тарбия — тараққиёт пойдевори

ТАРИХ ФАНИНИНГ ҲАЁТИМИЗДАГИ ЎРНИ

Тарих фани — инсониятнинг бугун ўтмиши давомида жамият ҳаётида содир бўлган воқеа-ҳодисалар, жараёнларни яхлит бир тарзда ўрганади. Тарих фани ижтимоий гуманитар фанлар тизимининг

зимга солиш ва назарий жиҳатдан умумлаштиришдир. Тарих фани ўтмишда содир бўлган жараён ва ҳодисалар орасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг илдизи, тарихни ҳаракатлантирувчи сабаблар,

чил иқтисодий-ижтимоий ривожланиши таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини фаол ҳимоя қилиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш каби йўналишлар суверен давлатимизнинг адолатли ва инсонпарвар ички сиёсатида устувор масалага айланиб улгурди. Улар сирасида жамият маънавий юксалиши ва шахс маънавий камолотига берилаётган эътиборни алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ҳақиқатни бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда, Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бўлган қизиқиш ортмоқда.

Мустақиллик — халқимиз учун чиндан ҳам ўзликни англаш, маънавий-руҳий тикланиш даври бўлди. Ватанимизнинг қадим ва шонли тарихига, халқимизнинг бой маънавий ва маданий меросига бўлган муносабат ўзгарди. Бетақрор тилимиз, муқаддас динимиз, азалий қадриятлар, урф-одат ва анъаналаримизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи қайта тикланди, донишманд аждодларимиз хотирасига муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди.

Маҳмуд ИБРАГИМОВ,
Денов туманидаги 5-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси.

Илм-фан, техника ривожланиб бораётган бугунги кунда ўқувчилар янги билимларни фаол ўзлаштиришлари ва бу билимлардан амалиётда унумли фойдалана олишлари керак. Шу муносабат билан таълим жараёнига интерфаол усуллар кенг жорий этилмоқда.



КИМЁ ФАНИДАН БЕЛЛАШУВ

Жумладан Денов туманидаги 27-мактабда ҳам кимё фанидан ўтказилган 7-“В” ва 7-“Д” синф ўқувчилари ўртасида “Кимё мўъжизалар оламига саёҳат” мавзусида мусобақа бўлиб ўтди.

Мусобақани мактабнинг маънавий маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Заргул Жумаева кириш сўзи билан очиб, ўқувчиларни кимё фанидан олган билимларини самарасини беллашувда синашларини таъкидлаб, иштирокчиларга омад тилади.

Қатнашчилар икки жамоага бўлинишди: 7 “В”- синф “Ёш кимёгарлар”, 7 “Д”-синф “Менделеев издошлари” деб номланди. Мусобақа “Ўқиб ўрган кимёни сирин очар дунёни” шиори остида жудаям қизиқарли бўлиб ўтди.

Унда ўқувчилар Беҳруз Чоршанбиев, Жасмина Менгтурдиева, Тоҳир Шодмонов, Маҳлиё Абдусаломовалар фаол қатнашдилар.

Беллашувда 7 “Д”-синфнинг “Менделеев издошлари” жамоаси голибликни қўлга киритишди.

Ғолиб жамоага мактаб томонидан фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Хуршида ТУРДИЕВА,
мактабнинг кимё фани ўқитувчиси.



таркибий қисми. Фаннинг бу гуруҳдаги ўрни унинг тадқиқот предмети ва усуллари билан белгиланади. Турли ижтимоий ва гуманитар фанлар жамият ҳаётининг алоҳида жиҳатларини ўрганса, тарих фанининг тадқиқот объекти — аҳоли, жамият, мамлакат, давлат ҳаётининг ўтмиши ва ҳозир ҳақидаги фактларни йиғиш, таҳлил қилиш, тўпланган билимларни маълум бир ти-

унинг мантиғи ва маъносини кўриш имконини беради.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган янгиланишлар ва ўзгаришлар даври бўлди. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида эришилаётган улкан натижалар халқимиз танлаган тараққиёт йўлининг тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, из-

ЮКЛАРНИ БОЖХОНА НАЗОРАТИ ОСТИДА ТАШИШ ТАРТИБИ СОДДАЛАШТИРИЛДИ

Мамлакатимизнинг транспорт-логистика салоҳиятини кенгайтириш, транзит жозибдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 22.12.2020 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташқи савдо юкларини божхона назорати остида ташишни соддалаштириш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 800-сонли қарори қабул қилинди. Хужжат билан қуйидагилар тасдиқланди:

Божхона назорати остида автомобиль йўлларида ташилаётган товарларнинг божхона ҳамроҳлигидаги кузатувини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом;

Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шах-

слар билан реал вақт режимда ва интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом. Божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориладиган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви жўнатувчи ҳамда

манзил божхона постларида, шунингдек қабул қилиш-топшириш пунктларида устувор тартибда амалга оширилади. Божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга оширишда ташувчи, юк жўнатувчи ёки юк қабул қилувчининг сарфланган харажатлари божхона органлари томо-

нидан қоплаб берилмайди. Божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориладиган транспорт воситалари ички ишлар органларининг блок постларида тўхтатилиши ҳамда товарларни кўриш учун автомобилнинг юк бўлмаси очилиши тақиқланади. Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлаш ваколатли органлар томонидан электрон шаклда онлайн режимда амалга оширилади. Божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш куннинг ёруғ вақтида, автотранспорт воситаси жўнатувчи божхона органига

Хабарингиз борми?

етиб келган пайтдан эътиборан бошқарувдан кечиктирмай бошлангани лозим.

Шунингдек, Низомда қуйидагилар назарда тутилган: божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни ташкиллаштириш; божхона йиғимларини тўлаш тартиби; божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга оширувчи ходимларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқалар. Хуж-



жат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 23.12.2020 йилдан кучга кирди.

Ч.ТИЛАВОВ,
«Мадад» ННТ
Олтинсой тумани
ҳуқуқий маслаҳат
бюроси бош мас-
лаҳатчиси.

ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗДИР

Аҳоли орасида соглом ҳаёт тарзини таъминлаш, ёшларимизни жисмоний ва маънавий комил инсонлар этиб тарбиялаш борасида мамлакатимизда йирик ижтимоий дастурлар қабул қилиниб, ижро этилмоқда.

Инсон ҳаёти ва соғлиғини сақлаш бу ижтимоий вазифалардан бири ҳисобланади. Жиноятга оид статистик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалиёти маълумотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари таҳлилларига кўра, дунё бўйича гиёхванд моддалар истеъмоли ва у билан боғлиқ бўлган жиноятлар ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Гиёхвандликнинг қандай иллатлиги ҳаммага аён. У билан боғлиқ салбий жараёнларнинг олдини олиш ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган долзарб муаммолардан биридир. «Гиёхвандлик» юнонча «narkoticos»

сўзидан олинган бўлиб, «бир лаҳза бўлсада ҳаёт ташвишларидан, муаммоларидан йироқлашиш ёки физиологик роҳатланиш хоҳиши», деган маънони англатади. Бу иллат шахслараро муносабатларнинг вайрон бўлишига, оилаларнинг бузилишига, бекорчилик, боқимандалик, текин-хўрликка олиб келади. Гиёхвандликка йўлиққан шахсда жамият учун хавфли бўлган яна бошқа иллатлар ҳам шаклланади. Қонунбузарлик учун жавобгарликдан қочиш мақсадида аста-секин хуфёна фаолият кўрсатишга ўтади. Бу эса гиёхвандларнинг хавфлиликларини янада оширади. Жамиятимиз ҳаётдан

бундай салбий иллатни йўқ қилиб юбориш, уни бартараф этиш учун кенг ва оммавий тарзда йирик ижтимоий-сиёсий, маъмурий, тиббий ва бошқа бир қатор муаммолардан иборат бўлган комплекс масалаларни ҳал этиш лозим. Айниқса, халқимизнинг онгини ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантириш, жойларда ёшлар иштирокида доимий тарзда тарғибот ишларини самарали амалга оширишимиз зарур.

Гиёхвандликка қарши кураш, унинг олдини олиш барчамизнинг, энг аввало, инсоний ҳамда фуқаролик бурчимиз саналади.

С.АБДУВОҲИДОВ,
вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи,
М.АЛТИБАЕВ,
вилоят прокуратураси
бўлим прокурори.

Ўзбекистон терроризм, экстремизм ва радикализм мафкурасига қарши кураш борасида ҳаммашарикли позицияга эга бўлиб келган. Бундай хавф-хатарларга қарши фақат куч ишлатиш усуллари билан эмас, балки биринчи навбатда, айниқса ёшлар ўртасида, зўравонликни келтириб чиқарадиган жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим.

Ш. Мирзиёев.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ



Дин тўғрисидаги инсоният минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келган. Шу нуқтаи назардан қараганда, одамларнинг эътиқоди ва диний ҳиссиётларидан фойдаланиб, экстремистлар ва террорчилар томонидан содир этилаётган жиноятлар уларнинг асл қиёфасини намоён этмоқда, дейиш мумкин.

Экстремистик ҳаракатларнинг энг қуйи табақаси кўпинча сиёсий тусга эга бўлмаган, майда зўрлик ва инсонлар содир этадиган унсурлар билан боғлиқ бўлади. Бундай зўрликнинг сиёсийлаштирилиши тер-

роризм томон қўйилган биринчи қадам бўлади. Қадим ўтмишга назар ташланса бундай сиёсий жараёнлар бугун ёки кеча пайдо бўлиб қолган офат эмас. Унинг тарихи инсоният тарихи билан биргадир.

Ҳаёт йўллари бир текис эмас. Агар ортга назар ташланса, бундай мудҳиш воқеаларни яна кўплаб мисол қилиб келтириш мумкин. Бугунги кунда ҳам Яқин Шарқ мамлакатлари ва бошқа бир қатор мамлакатларда содир этилаётган қонли урушлар ва

қирғинбаротларни кўриб хулоса чиқарган ҳолда мамлакатимизни ташқи ғаразли кучлардан асраш ва тинч, осойишта ҳаётимизни қадрига етиб яшашимиз лозимлигини айтиб ўтиш мумкин.

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳар бир даврда мудҳиш жараёнларга жамики инсоният қарши курашни амалга ошириб келганки, бугунги кунда ҳам бундай диний экстремистик ва террористик ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган қабих ҳодисаларга бутун дунё ҳамжамияти биргаликда кураш олиб бормоқда.

Жалолiddин ҲАМИДОВ,
Сурхондарё вилоят ИИБ терроризм ва экстремизмга қарши кураш бошқармаси тоғли ва чегара ҳудудлардаги тезкор бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ходими.

ОЛТИНСОЙ ТУМАНИ ФВБ ОГОҲЛАНТИРАДИ!

ТАБИЙ ВА ИС ГАЗИДАН ЗАҲАРЛАНИШДАН САҚЛАНИНГ

Қишнинг совуқ кунларида фуқаролар уйларини иситиш мақсадида, табиий газ ёки турли хилдаги ёқилғи маҳсулотларидан фойдаланишади. Ёқилғи маҳсулотлари ичида бошқаларига нисбатан хавфлироқ бўлгани бу табиий газ ҳисобланади.



Табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, газ оқимининг бехосдан узилиб қолиши, хона ичида газ тўпланиши, газни ёқиб қаровсиз қолдириши, иситиш тизимларига газни улашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслиги оқибатида портлаш ва ёнғин содир бўлиши ҳамда табиий ва ис газидан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин. Бунинг натижасида инсонлар турли хил тан жароҳатлари олиши ёки ҳаётдан кўз юмиши ҳам мумкин.

Ёдда сақланг – газ баллонини табиий газда ишлайдиган плитага улаш, шунингдек кўп қаватли уйларда газ баллонини ишлатиш мумкин эмас.

ҚУТУРИШ КАСАЛЛИГИДАН ОГОҲ БЎЛИНГ!

Қутуриш — ҳайвонлар ва одамда учрайдиган, асаб тизимининг оғир шикастланиши билан кечадиган ҳамда ўлим билан якун топадиган ўта хавфли юқумли вирусли касалликдир. Одамлар учун касаллик манбаи бўлиб: қутурган уй ҳайвонлари - ит, мушук, сиғир, от, эшак, чўчқа, ёввойи ҳайвонлардан - чиябўри, тулки ва бўрилар ҳисобланади. Одамларга қутуриш касаллиги 90-95 фоиз ҳолатларда итлардан юқади.

ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН!

Итни доимо боғланган ҳолда сақлаш, кўчага олиб чиқилганда тумшук тасмасини тақиқ, итни тунда кўчага чиқариб юбормаслик ва кўчада қаровсиз қолиши ҳамда ёввойи ҳайвонлар билан мулоқотда бўлишига йўл қўймазлик керак;

Фарзандларингизни қаровсиз қолган ва бегона итлар билан ўйнашига ҳамда уларни уйга олиб келишига асло йўл қўйманг;

Итни ўз вақтида ҳудудий ветеринария идораларига олиб бориб, рўйхатдан ўтказиш, ҳар йили уни ветеринария кўригидан ўтказиб, қутуришга қарши эмлатиш зарур.



Ф.ПАРДАЕВ,
Олтинсой тумани ФВБ ФВДТ ва ФМ
фаолиятини ташкиллаштириш, хавфсизлик тарғиботи бўлинмаси бошлиғи, лейтенант.
У.ХОЛИКОВ,
Олтинсой туман ФВБ ПБ инспектори,
катта сержант.

ЗУЛАЙХО БОЙХОНОВА:

«ОНАМ АЙТГАНИНИ ЭМАС, ҚАЛБИМ БУЮРГАНИНИ ТАНЛАДИМ...»

– Келинг, суҳбатимизни бироз аввалдан бошласак. **Машхур Зулайхо Бойхонова бўлишингиз учун илк қадамларни қандай қўйгансиз?**

– Мен «Ассалому алайкум, азиз томошабинлар! Ҳозир саҳнамизга Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойхоновани таклиф қиламиз, марҳамат», деб ўзимга ўзим қарсак чашиб, ойнаси йўқ дераза ромидан «саҳна»га чиқиб келардим... Ҳа, ёшлигимда мана шундай ширин хаёллар оғушида учиб юрар эдим... Наманган вилоятининг Уйчи тумани, Бирлашган қишлоғида оддий оилада тугилиб-ўсдим. Ота-онам зиёли инсонлар бўлишган. Биз оилада олти фарзандимиз, тўрт қиз, икки ўғил. Онам «Сен бешиқда ётган пайтингдаёқ, санъаткор бўлишинг билинарди. Мен уй ишлари билан овора бўлиб, сени бешиққа бойлаб кетардим. Сен бўлса, ўзингга ўзинг алла айтиб, ухлаб қолардинг», деб кўп айтардилар.

Мақтабда адабиёт, тарих, жисмоний тарбия ва энг асосийси мусиқа маданияти фанини яхши кўриб ўқирдим. Мусиқа ўқитувчимиз Долимжон Абдуллаев бошқа синфдошларимга қараганда менга кўпроқ эътибор берарди.

Ўша пайтларда мактабдан кейин бизни пахта теримига олиб чиқишарди. Пахтазор этагидан темир йўл ўтган эди. Поезд ҳар ўтганда тикилиб қолардим ва «Бир кун келиб мен ҳам шу поездда Тошкентга ўқишга кетаман, машхур санъаткор бўламан», дердим ўзимга ўзим.

Мана бугун ўша орзуларим рўёбини кўриб турибман.

– **Эшитишимизча санъаткор бўлишингизга онангиз қарши бўлган эканлар...**

– Тўғри, онам доим «Аёл кишига ўқитувчиликми, шифокорликми, ҳеч бўлмаса тикувчилик ярашади, кўй шу санъаткорликни» деб айтардилар. У вақтларда кўчадан, ёнимиздан бир эркак киши ўтиб қолса, то ўша одам узоклашиб кетгунига қадар юзини беркитиб турар эди аёллар. Шундай бўлгандан кейин кўпчилик ичида, эркаклар орасида кўшиқ ай-

тишимни тасаввур қилиш ҳам қийин эдида.

Лекин отам санъатни яхши кўрганликлари, менга ишонганликлари боис ҳеч қачон қаршилик қилмаганлар. Худога шукр, ҳеч ҳам ота-онамнинг юзини ерга қаратмадим.

– **Инсон ҳаётда ўз ўрнини топишида у яшайдиган муҳит, атрофдаги инсонларнинг таъсири катта бўлади. Санъатга муҳаббат қўйишингизга кимлар дахлдор бўлган, деб ҳисоблайсиз?**

– Ёшлигимизда радиода аёллардан устоз санъаткорлар Ҳабиба Охунова, Марғуба Собинова, Санобар Раҳмонованинг кўшиқлари тез-тез бериларди. Телевизорда «Куйла, Санобар!» деб номланган фильмни кўравериб, деярли ёдлаб олганман. Мана шу устозларимизнинг кўшиқларини эшитиб, уларга тақлид қилиб санъатга кирганман.

– **Анча йиллардан буён санъат ичида юрган, саҳнанинг паст-баландини билган инсон сифатида соҳадаги охириги ўзгаришларни қандай баҳолаган бўлар эдингиз?**

– Бизнинг юртда санъатга эътибор ҳеч қачон бугунгидай юксак бўлмаган, десам муболага эмас. Президент томонидан мақом санъатини ривожлантириш тўғрисида фармон эълон қилинди. Мана шу фармондан кейин нафақат мақом санъати, балки умуман миллий санъатимизга эътибор кучайди. Аҳамият берсангиз, давлат тадбирларида айтилаётган кўшиқларнинг авжи бошқача, кўшиқлар юракдан чиқмоқда, энг асосийси, жонли ижрода куйланяпти.

– **Баъзида шовқиндан кулоқларимиз чарчайди. Утириб битта тор билан куйланадиган кўшиқларни кумсаб қоламиз. Сизнинг ҳам ортиқча ҳашаматсиз, ортиқча шовқинсиз кўшиқларингизни эшитиб кўнгиллар яйрайди. Ҳозир айнан шундай кўшиқлар негача кам айтиляпти. Нима деб ўйлайсиз, миллий кўшиқларни халқимиз ёдидан чиқариб қўймаймизми?**

– Ёшлигида миллий кўшиқларни эшитиб катта бўлганлар

кейинчалик ҳам шовқин-сурон, «гумбур-гумбур»ни қабул қилиши қийин. Ҳозирги ёшларни айблаб бўлмайди. Чунки улар

1986 йилда битирдик. Ўша пайтда диплом олиш учун ҳамма талабалар вилоят театрларида ишлаб бериши керак эди. Биз, етти



қанчадир давр ичида мана шундай шовқин-суронли туркча, инглизча кўшиқларни эшитиб катта бўлишди-да. Кимдир ўта баланд овозда мусиқа эшитиб дам олади. Кимдир паст, юмшоқ овозни мириқиб тинглайди.

Миллий санъат эса барибир яшайверади. Чунки, у қон-қонимизга сингиб кетган, ота-боболаримиздан мерос бўлиб ўтиб келмоқда. Биздан кейин ҳам мана шундай қолишига ишонаман.

– **Санъатга қириндан аввал олдингизга қандай мақсад қўйгансиз?**

– Ҳаётда мақсадсиз яшаб бўлмайди. Аллоҳ ҳар бандасини шундай мукамал қилиб яратган эканки, қалбингизни ўзи сизни бошқариб тураркан. Боя айтганимдек, мен онам танлаган касбни эмас, айнан қалбим буюрган касбни танладим. Санъаткор бўламан, дедим, олдимга мақсад қўйдим. Ота-онамни рози қилиш учун, дуоларини олиш учун кўнгилларига йўл топдим.

Санъат олийгоҳининг мусиқа факультетига вокал, овоз йўналтириш бўйича Ўзбекистон халқ артисти Асад Азимов, мақом йўналиши бўйича Исоқ Каттаевдан сабоқ олганман. Олийгоҳни

1986 йилда битирдик. Ўша пайтда диплом олиш учун ҳамма талабалар вилоят театрларида ишлаб бериши керак эди. Биз, етти

айтганда «хит» бўлди. Мухлисларимиз билан кўришиб қолсак, «Зулайхо опа қачон концерт берасиз?», дейишарди.

Биласизми, элга танилганингиз сари мақсадларингиз ҳам йилдан-йилга катталлашиб бораверар экан. Асосийси, касбингизни яхши кўрсангиз бўлди, унинг қийинчиликлари-ю машаққатлари ҳам чикора кўриниб қолади. Ҳатто шунақа пайтлар бўлганки, касал бўлиб ётган пайтда маъмуримиз телефон қилган: «Зулайхо опа, вилоятларга концертга таклиф қилишяпти, эртага эрталаб самолётга билет олиб, учиб кетар эканми», деган. Эртасига ўша аҳволимда кетдим, ишонасизми, тузалиб кел-

дим. Уйга қайтиб келсам, турмуш ўртоғим Шухрат ака айтадилар: «Сен ўзи ростдан ҳам касалмидинг?»..

Ҳа, халқнинг ичига кирсангиз, шунақа куч оласизки, касаллик ҳам, губорлар ҳам эсдан чиқиб кетади. 2008 йилга бориб, «Халқлар дўстлиги» саройида биринчи «Эй кўнгил» деб номланган концертимизни бердик. Ҳар куни давраларга хизматга кирамиз. Кимлардир кўшиқларимизни эшитиб, кимларнидир эслаб, хотирлаб йиғласа, кимлардир биз билан бирга айтиб, хиргойи қилиб ўйнайди. Одамлар хурсанд бўлади. Майли, кўлини кўтариб дуо қилишмаса ҳам қалби хурсанд бўлишининг ўзи бир Каъбани тавоф қилган билан баробар мен учун.

Мен касбимдан ана шундай ҳаловат топаман, хурсанд бўламан. Ўйлайманки, буларнинг ҳаммаси учун йўлни менга театр саҳнаси очиб берган.

– **Доим эл ичидасиз. Сизнингча замон ўзгарди ёки одамлар ўзгариб кетмоқдами?**

– Бир мисол. Мен ота-онам билан гаплашиш учун троллейбусга ўтириб, Ўрдадаги телеграфга келар эдим. Турнақатор навбатларда туриб, 3 соатларда улаб бери-

шарди. Мана, ҳозир кўлимда уяли телефон. Хоҳлаган одамим билан гаплашишим мумкин. Хоҳласам, синглимга телефон қилиб гаплашаман, хоҳласам Америкадаги танишимга видеоқўнғироқ қиламан. Бутун дунё янгиликлари кўлимда. Оддий телефон қурилмасидаги ўзгаришни айтган холос. Қолганини тасаввур қилверинг энди.

Одамларимиз ҳам ўзгарди. Бор давлатини ўзининг соғлиғига ишлатяпти, болаларини чет давлатларда ўқитяпти, билмаганимизни фарзандларимиздан ўрганяпмиз кетрақ бўлса. Эҳсонли одамлар кўпайди, муҳтожларга ёрдам берадиган, тўйларини қилиб берадиганлар кўп. Керак бўлса уйлар олиб беришади, шу савобим ювилиб кетмасин, деб ҳеч кимга айтишмайди.

Тўғри, баъзиларнинг орзу-ҳаваси чегара билмай қоляпти. Дабдабаю ҳашаматни ошириб юбормоқда. Бойлигини кўз-кўз қилиб мақтанмоқчи бўлганлар ҳам йўқ эмас. Қандайдир янги урф-одатлар ўйлаб топишади. Бу ҳаммаси аёлларга боғлиқ. Агар аёлларимизнинг тафаккури ва дунёқароши кенгайиб бораверса, мана шундай муаммоларга ўрин қолмайди.

– **Қизиқарли ва мазмунли суҳбат учун катта раҳмат. Мусоҳабамиз ҳақида фикрларингиз...**

– Менга берган саволларингиз жуда ҳам маъқул бўлди. Ўзимдан келиб чиқиб, билганимча жавоб бердим. «Оила даврасида» газетасидан шундай байрам арафасида йўқлаганингиз учун миннатдорман. Кириб келаётган Янги йил муборак бўлсин. Барча оилаларга тинчлик-хотиржамлик тилайман. Мана шундай тинч-осойишта мамлакатга ҳар қанча куй-кўшиқ ярашади. Яхши кунингизда ҳар доим хизматингизда бўлайлик. Ёшларимиз кундан-кунга яшнаб бораётган Янги Ўзбекистонга мос фарзандлар бўлишсин. Ҳар бир хонадонга файзу барака тилайман.

Азизбек
АБДУМАЛИКОВ
суҳбатлашди.

ҲАЁТ СИНОВЛАРИ

Бону исмли қиз бўлган экан. У мактабда олдин ўзини ёлғиз ҳис қилган. 5-синф бўлганида эса уларнинг синфига янги қиз келди. Унинг исми Лола эди. Лола жуда оққўнғил, хушчақчақ, чиройли ва иродали қиз эди.

Кейинчалик эса Бону ва Лола қалин дўст тутинишди. Тўғри Бонуни олдин ҳам дўстлари бор эди. Бироқ улар билан кўп баҳслашгани ва ўзини кераксиздек ҳис қилгани учун ёлғиз эди. Шундай бўлса ҳам уларни жуда яхши кўрарди, уларнинг исмлари Саида ва Дунё эди.

Энди Бонунинг дўстлари учта бўлди.

Лола бошқалардан анча

фарқ қиларди. Бир куни Лола Бонуга шундай ғамгин ўтмишини сўзлаб берди. Унинг айтишича унинг онаси оғир дардга чалинган, бу ҳам етмаганидек отасининг иккинчи хотини борлиги ва бундан Лоланинг кўнгли ранжиган. Жуда хафа эди. Лоланинг онаси беозор, кўнгли очик аёл экан. Аммо ёрдам олиш учун биронта яқини йўқ, аёлниги онаси, опа-сингил-



лари бор эди. Лекин уларнинг ўғайдан фарқи йўқ эди. Улар Лола ҳамда онасини хушламас эдилар, доим шу она-болани айбсиз-айбдор қилиб қўйишарди. Айтганча Лола якка-ю ягона фарзанд эди. Докторлар онаси хасталиги учун ҳам бошқа фарзанд кўра олмаслигини айтганди.

Бу беозор аёлниги хасталиги йилдан йилга оғирлашиб борар эди. Буни кўриб турган Лола жуда қийин аҳволга тушиб қолганди. Чунки Лола бу ҳаётни онасисиз тасаввур қила олмасди. Онасининг аҳволига зўрға чидаб пинҳона йиғларди. Буларга чидаш эса осон эмасди. Ҳозирги вақтда Лоланинг онаси ҳаёт синовларига чидаб, хасталик билан курашмоқда! Онасининг сўлиб бо-

ХИКОЯ
ришини кўриш Лола учун жуда оғир синов эди. Соғайиб кетишига эса умид бор. Соғайиб кетсинлар...!

Гоҳ аянчли ҳайбатли,
Гоҳи эса қувончли.
Инсон кўнгли тирнайди,
Бу ҳаёт синовлари.

Бошга савдо солса ҳам,
Қанча азоб берса ҳам.
Шунча сабрли қилур,
Бу ҳаёт синовлари.

Сабр қилурмиз фақат,
Сўрагимиз Яратгандан.
Соғлик-саломат албат,
Бахтга тўла бу ҳаёт.

Мадина БОБОИСМОИЛОВА,
Денов туманидаги 77-мактаб ўқувчиси.

ОЛИФТА

Олифтамас билгин ўзгалар,
Олифтамас икки полапон.
Нетсин улар сарсон дунёда,
Борми сенда, озгина виждон?

Баҳорларни билсам ўзингча,
Алланечук кутиб оласан.
Полапонлар бошига нечун,
Етим деган номни соласан.

Чўчиюпти тагин юрагим,
Армонларнинг ғам дарёсида.
Инсоф берсин сенга худойим,
Шодликларнинг гул дунёсида.

Жажжигина жуссасин кучган,
Болаларинг ғамга кўмилди.
Олифтасан, нечун олифта,
Она деган номинг ҳам ўлди.

Болаларинг бўзлади чунон,

Ҳар бир жойдан сени излади.
Кўкрак олган мурғаккиналар,
Тўйларда ҳам сен деб бўзлади.

Наҳот шундай бахтдан Мосуво,
Қилдинг билмам ўзингни нечун.
Юрагимга ғамлар ин курган,
Шу боисдан чиқмаяпти ун.

Дилмурод ШУКУРОВ.

СПОРТИМ — СЕН ФАХРИМ БАХТИМ ЎЗИНГСАН

Спорти — сен фахрим, бахтим ўзингсан,
Юртимни бугун, танитган сенсан.
Ватан ўғлонин кўкка кўтариб,
Шону-шухратга, буркаган сенсан.

Биламан, сен бор адолат ҳукм,
Сароб-ёлғонлар, сенга бегона.
Доимо ҳақиқат қилар тантана,
Спорти — сен фахрим, бахтим ўзингсан.

Ўзбегим спорти, курашни кеча,
Тўйларда озроқ, кимдир биларди.
Бугун курашни, курашни ҳатто,
Юртим полвонин, жаҳон билади.

Бокс бу ўзига-ўзи бир ҳоқон,
Бокс куч, қувват, ақл, синови.
Бугун, боксни ўзига қалқон,
Ўзбек боксчисин, олам билади.

Тош кўтаришни, Русландан сўранг,
Олимпия рингида, тош кўтарган у.
Ҳеч бири етолмай, ўзбек ўғлига,
Юртим байроғини баланд кўтарган.

Спорти — сен фахрим, бахтим ўзингсан,
Ютуқларинг санаб, мақташга ҳатто.
Афсуски, бугун етмайди вақтим,
Барибир, спорти сен менинг фахрим.

Спорти сен шодлик, қувонч ўзингсан,
Спорти боримсан, қувватим ўзинг.
Сен сабаб, умбар олар ўз кучин,
Спорти сен доим ҳамроҳим дўстим.

У.НОРМУРОТОВ.

ЎҚИТУВЧИМ СЎЗЛАРИ

Ўқитувчим кўлимга тутди қалам,
Гўёки кўлимга бериб дунёни.
Сизларсиз албатта бу замин эртаси,
Билимлар дунёси кўлингиздадир.

Бу замин эртаси порлоқ бўлади,
Сизлар бирлашиб турсангиз ҳар дам.
Билимингиз айтади эртанги кунни,
Эй ўқувчим! Дунё эртаси кўлингиздадир.

СИНГЛИМ

Синглим менинг беғубор,
Сокин куйга ўхшайди.
Кайфиятим хуш этиб,
Опасин кўрган чоғи.
Чарчоқларим чиқади,
Синглимни кулгусидан.
Дунё қувончга тўлиб,
Дилларимиз бўлар шод.

Захро ИСМОИЛОВА,
Олтинсой туманидаги
34-мактаб ўқувчиси.



БАҲОР ЯҚИН

Баҳор келганин билиб,
Барча бирдай қувонар.
Қалдирғочлар учади.
Дарахтлар куртак ёйиб,
Гул ифорин сочади.

Баҳор келганин билиб,
Майсалар кўтарар бош.
Кўкда эса чарх уриб,
Қанот қоқар қалдирғоч.

Баҳор келганин билиб,
Барча бирдай қувонар.
Болалар қийқиришиб,
Олам қувончга тўлар.

ОНАЖОНИМ

Дунёда сиз ягона,
Меҳнатдасиз мардона.
Сўзингиз бол, дурдона,
Онажоним, онажон.

Яхши йўлга чорлайсиз,
Бошларимни силайсиз.
Менга меҳр берасиз,
Онажоним, онажон.

Нозима МОЙЛИЕВА,
Денов туманидаги 31-мактаб ўқувчиси.



МАКТАБ

Мен мактаб ўқувчиси,
Беш баҳолар оламан.
Тенгдошларим ичида,
Аълочи қиз бўламан.
Аъло ўқиш бурчимиз.
Одоб — ахлоқ хулқимиз.
Мактабда аълочилар,
Сафидан жой оламан.
Доим ўқиб изланиб,
Билим олиб тинмаймиз,
Келажақда устозлар,
Ишончини оқлаймиз.

Маҳфуза ЖўРАЕВА,
Денов туманидаги 35-мактаб ўқувчиси.

Кўпчиликда ҳеч бўлмаса бир марта шу қабилдаги савол пайдо бўлиши табиий: физикани ўрганиб нима қилман, у менга ҳаётда керак бўлмайди-ку?!

ФИЗИКАНИ НЕГА ЎРГАНИШИМ КЕРАК?

Бундай саволни берган одамга, айниқса, ўсмирга бу фанни ўрганиш муҳимлигини қандай тушунтириш керак? Қизиқмаган одамга фандаги теорема, қонун ва формулаларни билишнинг афзал таърифни ўқитишнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Бироқ одам қанчалик қайсар бўлмасин, барибир унга ҳаётда физикани билиш ҳаётда албатта, керак бўлишини ўқитиш лозим. Масалан, одам мулоқот қилиш учун албатта ўз она тилининг қоидаларини билиши шарт, адашиб қолмаслик ва йўл топа олиши учун яъни географиянинг энг минимум билимларини эгаллашга мажбур, шу сингари, айниқса, техника ривожланган ҳозирги замон-

да физикани билиш ҳам жуда муҳимдир.

Фақат физикани яхши билган одамгина уй-жой, заводлар, машина ёки электростанцияларни лойиҳалаш ва қуриши мумкин. Телевизор, автомобиль, космик аппаратлар ҳамда ҳатто энг оддий кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш учун ҳам физикани билиш керак бўлади.

Масалан, кўзойнак, телескоп, фотоаппарат ва видеокамера сингариларни физик олимлар ёруғликнинг ҳавода ва шишада қандай тарқалишини илмий ўрганишгандан кейин ихтиро қилинган. Кема, самолёт ва ҳаво шарни сингарилар ҳам газ ва суюқликларнинг жисмга кўрсата-

диган таъсири қонуниятларини пухта ўрганиш асосида яратилган.

Физикани билмасдан туриб соат, телефон, чангютгич, телевизор, музлатгич ва ҳоказо барча фойдали замонавий техникани яратиш бўлмасди. Уларсиз ҳозирда овқат пишириш, хонани тозалаш, мусиқа эшитиш сингариларни тасаввур қила олмайсиз, тўғрими?

Яна бир муҳим нарса бор. Ҳаммага ҳам қачондир бир кун келиб фарзанди нега камалак ёй шаклида экани, нимага пўкак чўкмасдан сув юзида қалқиши, нимага момақалдироқ чақмоқдан анча кейин гумбурлаши, нимага бармоқни розеткага тиқиб бўлмаслигини, қор қаердан ёғиши сингари миллион хил нарсаларни сўраб савол беради. Бу саволларнинг ҳаммасига жавоб беришга тўғри келади. Ҳеч бўлмаса ота ва ёки она сифатида фарзандингизнинг ҳафсаласини пир қилмаслик



учун ҳам физикани ўрганиб кўяверинг.

Кўрқмасдан айтиш мумкинки, физиклар томонидан юз йиллар давомида эришилган билимлар замонавий одам турмушининг исталган ҳар бир жабҳасида ўз инъикосига эга. Шунчаки, ўзингизга ёки атрофингизга назар ташланг. Кўзингиз тушган ҳамма жойдаги нарсаларнинг ихтиро қилинишида,

ишлаб чиқарилишида ва сизгача етиб келишида физика фани эришган ютуқларнинг улкан ҳиссаси мавжуд. Дунё, коинот қандай тузилгани ҳақидаги фалсафий саволлар ҳам барибир физикадан яхши бохабар бўлишни талаб этади.

Дилнавоз САФАРОВА,
Денов туманидаги 35-мактабнинг физика фани ўқитувчиси.

ЧИРОҚЛАР “ЛИП-ЛИП”, ГАЗ “МИЛТ-МИЛТ” ҚИПСА, КЎМИР КУЛГА ЎХШАЙДИ...

Бундай камчиликлар қачон бартараф қилинади, дейишмоқда сурхондарёликлар

Юртимизда бу йилги қиш фасли ўтган йилларга қараганда анча совуқ бўлмоқда. Ана шундай пайтларда аҳолини электр энергияга бўлган талаби ошиши табиий ҳол, албатта.

Хўш, бу борада Сурхондарё вилоятида аҳвол қандай? Таъминотчи корхоналар хизматларидан аҳоли розими? Бу каби саволларга жавоб топиш мақсадида жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўргандик.

— Электр энергиядаги узилиш ва чекловларга кўникиб қолганимизга анча бўлди, — дейди Шўрчи туманининг “Тамаддун” маҳалласида яшовчи Абдулла Фазнаев. — Чунки, иссиқ кунларда ҳам бизда тез-тез чироқ ўчади. Куз ва қиш ойларида эса узилишлар янада кўпаяди. Мутасаддиларга мурожаат қилсангиз, доимо баҳонаси тайёр. Уларнинг нима деб жавоб бериши бизга ёд бўлиб кетган. Улар одатда, яъни баҳор фаслида “кучли шамол бўлгани учун “авария” содир бўлди” деса, ёз фаслида эса “сим қўшилиб қолади”. Кузда ёмғирли кунлар “айбдор” ҳисобланса, қишда “совуқ тушиши муносабати билан” чеклов жорий қилинганини айтишади.

...Собиқ иттифоқ даврида армияда хизмат қилганман. Ўшанда “Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун” жавоб берарди. Бирор аскар билиб-билмай хатога йўл қўйса борми, бундан 300-400 киши жабр чеккан... Электр энергияси соҳасида меҳнат қилаётганлар ҳам шундай йўл тутаётганга ўхшайди: “Аҳолининг қарздорлиги ошиб кетганлиги учун таъминотда узилишлар кузатилаяпти. Хўрамли фуқаролар, электр энергияси тўловларини ўз вақтида амалга оширинг...”, дейишади нукул.

Я ш и р и ш н и н г ҳожати йўқ, орамизда қарздорлар бор. Нега улар тармоқ-

дан узилмади-ю, кўпчилик озор кўради?

Яна бир аччиқ ҳақиқатни айтиш: тўловни ўз вақтида, ҳатто ортиги билан тўлаб қўйганлар рағбатлантирилганини бирор марта эшитганмисиз? Ёки “Хўрамли фуқаро, электр энергияси таъминотида чеклов бўлгани ҳамда қувват камлиги учун сиздан узр сўраймиз” мазмунидаги хат келганми уйингизга ёки эълонни кўрганмисиз? Хуллас, биз томонда шундай – электр таъминоти кунлар, ойлари ва фаслларга қараб ҳар хил бўлади.

— Таълим-тарбия оиладан бошланади, — дейди Сарийосиё туманидаги 1-умумтаълим мактаби директори Эркинови Мухторова. — Мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб ва олий таълим даргоҳларида ўғил-қизларимиз баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар яратиб берилишига ҳаракат қилинмоқда.

Ҳозирги кунда мактабимизда 800 нафардан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Беш минг китоб фондига эга кутубхона, мухташам спорт зали ва 2 та спорт майдончаси ёшлар ихтиёрида. Йигирмага яқин фан тўғрақлари ишлаб турибди.

Аммо муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Куз, қиш ва баҳор ойларида электр таъминотида узилишлар бошланади. Ўқитувчиларимиз баъзан 5-10 дақиқа, гоҳида соатлаб чироқсиз машғул ўтказишга мажбур бўлаяпти. Масалани ҳал қилиб беришларини сўраб Сарийосиё тумани электр тармоқлари корхонаси ва туман ҳокимлигига бир неча марта мурожаат қилдик.



Аммо ханузгача тегишли чора кўрилгани йўқ.

— Куз бошланиши билан вилоят марказида ҳам аҳвол мурракбашди, — дейди Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 26-уйнинг 2-хонадонида яшовчи Хуршида Менгатова. — Турар-жойимиз 2013 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, 16 хўжалик истиқомат қилади. Иситиш тизими яхши ишламайди. Газ босими ниҳоятда паст. “Милт-милт” ёнаётган “зангори олов” ярим чойнак сувни бир соатда аранг қайнатади. Овқат пишириш янада мушкул – икки-уч соат вақтимиз кетади.

Бир ойдан ошдики “свет” ҳам тез-тез ўчадиган бўлиб қолган. Чироқлар худди помидорга ўхшайди — қипқизил. Кўпқаватли уйларда темир печь ўрнатиб бўлмади. Қўлбола мосламалардан фойдаланиш мумкин эмас. Газ билан уй исимаса... Хўш, нима қилайлик?

— Турмуш ўртоғим иккаламиз ҳам ўқитувчимиз, — дейди Узун туманининг “Мустақиллик” маҳалласида истиқомат қилувчи Одилжон Эломонов. — Туман марказидан 17-18 километр олисда жойлашган худуд аҳолиси суюлтирилган газ баллонлардан фойдаланади. Авваллари баллон-

лар ҳар ойда тўлдириларди. Ҳозир эса уч ойда икки марта олиб келишади. Шунга ҳам шукр, ҳартугул чой қайнапти... Нон ёпиш ва овқат пиширишда эса шох-шабба ишлатамиз. Кўмир симфатли бўлмагани учун уйлар мол тапписи ёки ўтин билан иситилади.

...Ўтган йили электр таъминотида муаммо бўлмаган. Аммо бу йил узилишлар тез-тез кузатилаяпти. Масалан, 5-, 9-, 10-, 13-, 16-, 18-, 21, 24-, 25-, 30 ноябрь кунлари чекловлар сони кўпаяди. Фарзандларимиз шам ёки “фонар” ёруғида дарс тайёрлашга мажбур бўлаяпти. “Свет”чиларнинг хоҳлаган вақтида ёқиб, истаган вақтида ўчирадиган “хунар”ига қачон чек қўйилади?

Собит Қайнаров, Олтинсой тумани:

— Бизда табиий газ йўқ, электрдаги узилишлар дилни хира қилади. Шунинг учун 500 минг сўмлик ғўзапоё ва 800 минг сўмга ёғоч ўтин сотиб олдик...

Дилмурод Жўраев, Узун тумани:

— Ҳозирги кунда гугурт, шам, “фонар”, “зажигалка” ва “кленка” сотаётганларнинг бозори чаққон. Чунки, улар ҳар куни керак-да...

Абдужаббор Назаров, Сарийосиё тумани:

— Чекка худудлардаги айрим симёғочлар симларни эмас,

аксинча, симлар симёғочларни “ушлаб” турганга ўхшайди. Бўлмаса, алмисоқдан қолган “қўлбола” таянчлар аллақачон “ағанаб” кетган бўларди.

— Бундан уч-тўрт йил аввал чироқ 14-16 соатлаб ўчарди, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Эътибор Хўжаева. — Чунки, ўтган асрнинг 60-70 йилларида қурилган ускуна ва жиҳозлар талабга жавоб беролмай қолганди. Подстанция, таянч ва электр узаткичлар етишмагани ҳақиқат. Қисқа даврда соҳа тубдан ислоҳ қилинди. Бу борада “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Обод марказ” дастурларининг ҳаётга татбиқ қилингани айтиш мумкин.

...Аслида, энергетика тизимини ҳаётнинг қон томирларига қийлаш мумкин. Электр энергиясининг борлиги ҳаётга гўё жон бағишлайди, йўқлиги эса ҳаётни тўхтатиб қўйгандек бўлади. Маълумотларга қараганда, адашмасам, юртимизда ҳар йили 57 миллиард кВт/соатдан зиёд энергия ишлаб чиқарилаётган бўлса, 2030 йилга бориб бу кўрсаткичи 100 миллиард кВт/соатга етказиш кўзда тутилган. Шу билан бир қаторда муқобил электр энергиядан фойдаланиш, янги ГЭСлар қуриш ва хориж инвестициясини жалб қилиш борасида ҳам дадил қадамлар ташланаётгани қувонарли.

Бундай хайрли ишлардан кўзланган асосий мақсад халқимизнинг турмуш даражасини яхшилашдир. Ишончим комилки, яқин келажакда кўнгиллар хотиржам, хонадонларимиз чароғон бўлади. Аммо, бугунги одамлар бугун ҳам хотиржам яшашга ҳақли-ку.

Абдумалик ХАЙДАРОВ, “Ўзбекистон овози”дан олинди.

Ботир Ражабов, Шўрчи тумани:

— Қуёш булутнинг орасидан “мўралаб” турганда, ташқаридаги ҳарорат +8 даража илиқни кўрсатди. Хонада эса +6 экан. Уйимиздан кўра ташқари иссиқлигини шунда сездим.

Рўзиқол Ортиқова, Денов тумани:

— Бир ойча аввал набирамни уйлантирдик. Ўшанда куёвимиз 400 минг сўмга темир печь олган экан. Яқинда унинг нархи ошибди – 650 минг сўм бўлганмиш...

Ситора Хўжаева, Термиз шаҳри:

— Уй “зимистон”, телевизор “кўр”, радио “гунг”, телефон “кар” бўлиб қолган. Чунки, “свет” йўқ-да...

Ўктам Умаров, Жарқўрғон тумани:

— Биз томонларда чироқлар “лип-лип” қилади, газ “милт-милт” ёнади, кўмир кулга ўхшайди. Қишнинг бир куни ҳам қиш, дейдилар. Бу камчиликлар қачон бартараф қилинади?

ТАХРИРИЯТДАН:

Сурхондарёдаги мисолларни бошқа вилоятлардаги айрим туманлардан ҳам келтириш мумкин. Бу ҳақиқат, уни хаспўшлаб ёки инкор этиб бўлмайди, одамларга ёлгон гапириб бўлмайди.

Кейинги икки-уч йилда электр таъминоти анча тартибга тушганини эътироф эта бошлаган эдик. Афсуски, бу йил қиш мавсуми бошланиши билан бу масалада муаммолар пайдо бўлди. Назаримизда, бунинг сабабларини аҳолига очиқ тушунтириш, камчиликларни бартараф этиш бўйича қандай чоралар кўрилаётгани тўғрисида ахборот бериш керак. Акс ҳолда миш-мишлар кўпаяверади.

ҲАҚИҚАТ ҚИЛИЧИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

- Устоз, бу илмга асос солган алломаи замонлар ҳақида ҳам фикр билдирсангиз? – савол берди навбатдаги талаба.

- Айнан ҳанафий мазҳабида жадал илмига насафлик элдошимиз Фахрул ислом Паздавий асос солган бўлсаларда, буюк мутакаллим устозимиз Абу Мансур Мотуридидий ҳазратларининг “Китобул жадал” китоблари энг эътиборли манба саналади.

- Фахрул ислом Паздавий ҳазратларининг ушбу илмга манба бўлган асарлари қай йўсинда номланган?

- Устоз китобларини “Усули Паздавий” деб атаганлар. Тўлиқ исмлари Али ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Мусо Паздавий бўлган алломанинг ушбу китоби “Ал-Усул” (“Асослар”), “Канзул вусули ила маърифатил усул” (“Усулни танишга етказувчи хазина”), “Китобул кабир фий усулул фикҳ” (“Усулни танишга етказувчи хазина”) номлари билан ҳам юритилади. Алломанинг бу китоби ҳанафий мазҳабининг асосий қоидаларини ўрганишда аҳамияти беқиёсдир.

- Ушбу мазҳабнинг бунчалек тез ёйилишига сабаб недур, устоз?

- Бунинг тарихи узун. Айни пайтда Балху Марв, бутун Хуросон ва Моваро-

уннаҳр заминидаги му-сулмонлар Абу ҳанифа раҳмаҳуллоҳ мазҳабини маҳкам тутишган бўлиб, эътиқодий ва фикҳий масалаларда у зотнинг йўлида собитдилар. Дастлаб қабул қилинган ҳанафий мазҳаби тез орада бошқа шаҳар ва ўлкаларга ҳам ёйилди.

- Устоз, заминимизда ҳанафийлик мазҳабини тарқалишида дастлаб кимларнинг ҳиссаси беқиёс бўлган?

- Ўз вақтида Абу ҳанифа раҳимаҳуллоҳ Бағдод халифаси томонидан таклиф этилган қозилик мансабини рад этишга қарамасдан, унинг шогирдлари қози, муфтий ва мударрислик лавозимларида фаолият кўрсатганлар. Ушбу лавозимларда ишлаш ҳанафийлик мазҳабини кенг тарқалишига олиб келган. Абу ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг кўплаб шогирдлари мазҳабни Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига ҳам ёйганлар. Улар орасида энг машхурлари, шубҳасиз Абу Муқотил Самарқандий, шунингдек, Муҳаммад Шайбонийнинг икки нафар шогирди бўлмиш Абу Сулаймон Жузжоний ва Абу ҳафс Кабирлардир.

- Тақсир, бирор кишини жамоа жойларида аҳли сунна вал жамоа мазҳабида эканини қандай билиш мумкин?

- Аҳли сунна вал жамоанинг яловбардорларидан бири бўлмиш Абу

Бакр Иёдийга ҳам ўз замонасида бир киши худди шу саволни берган экан. У киши: “Унинг исми Аллоҳ таолонинг китоби, Расулнинг суннати ва салафи солиҳларнинг сўзларига мувофиқ келса, у аҳли сунна вал жамоа мазҳабидандир” деб жавоб берган эканлар. Абу Бакр Иёдий ушбу мазҳаб софлиги ва барқарорлигини доимийлиги йўлида баъзи эътиқодий масалаларни ўз ичига олган “Масоилул ашарил Иёдий” (“Иёдийларга оид ўнта масала”) номли китобини умрининг сўнгги йилларида яқунлаб, омма уни ўқиб ўргансин, бидъатлардан, хусусан, мўтазилийларнинг ботил эътиқодларидан огоҳ бўлсин деган мақсадда Самарқанд шаҳри кўчаларида эълон қилдирган. Унинг ушбу китобида баён қилинган ўнта масала ўша даврда Самарқанд ҳанафийларининг асосий тамойиллари деб қабул қилинган ва буларга ишонмайдиганларни эса “Соҳибул шарр вал бидъа” (“Ёмонлик ва бидъат соҳиблари”) дея баҳоланган.

- Устоз, аҳли сунна вал жамоанинг бошқа мазҳабларида ҳам фикҳнинг ҳанафий йўналишидан фойдаланиш қай даражада, ёким рад қилишадими?

- Насаф шаҳридаги мадрасада таълим олаёт-

ган кунларимнинг бирида улуг зот Муҳаммад Шайбоний ҳазратларининг “Ал-ҳужжату ало аҳлил Мадина” (“Мадина аҳлига қарши ҳужжат”) китобини ўқиб ўргангандим. Ҳазратнинг Мадинаи мунавварага боришларидан мақсади имом Моликдан “Ал-Муваддо” китобини эшитиш ва ўрганиш бўлиб, уч йилга яқин вақт ўша шаҳарда яшаб қолганлар. Ўтган вақтлар орасида аллома мадиналик уламолардан ҳадислар тинглаган, шунингдек илмий мунозараларда ҳам иштирок этган. Натижада мадиналик уламоларнинг баъзи қараш ва фикрларига қарши ҳанафий мазҳабининг далил ҳамда ҳужжатлари асосидаги мунозара натижаларини тўплаб, ушбу китобни битганлар. Китобдаги ҳар бир масала қиёс ва ҳадис билан далилланган. Ушбу далилли фикрлардан ҳар бир мазҳаб, ҳар бир фикҳий йўналиш вакиллари истефода қилиши мумкин.

Муҳаммад Шайбоний ҳанафий мазҳабига тааллуқли олтита китоб битганлар. Булар эса эътиборли китоблар бўлиб, уларда келган масалаларга қарши

фатво бериш мумкин эмас. Аммо вақтнинг доимий ҳаракатда бўлиши натижаси ўлароқ замонлар эврилиб, ҳодиса ва воқеалар тўхтамай содир бўлиб турганидан, янги-янги фатволарга эҳтиёж туғилади. Ўз даврида ёзиб қолдирилган ҳамма ҳодиса ва воқеаларга ҳам тўлиқ жавоб бера олмай қолади. Бинобарин, янги-янги фатво тўпламларига эҳтиёж сезилаверади. Шундай экан, фақатгина зарурат юзасидан, замонлар алмашиши ёки урф-одатларнинг ўзгариши сабабли кейинги давр фақиҳларининг иттифоқликлари билан ундаги айрим ҳукмлар амалдан қолдирилиб, бошқасига алмаштирилиши мумкин...

Шомурод ШАРАПОВ,
фахрий журналист.
(Давоми бор).



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН БАРЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2020 йил якуни учун тақдим этиладиган 1-КВ шакли (йиллик) давлат статистик ҳисоботини кичик корхона ва микрофирмалар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) 2021 йилнинг 26 февралидан кечиктирмай;

1-notijorat shakli (йиллик) Нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (ХУЖМШ) дан ташқари) 2021 йилнинг 15 февралидан кечиктирмай;

Туман (шаҳар) ҳалқ таълими бўлимлари Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим муассасалари йиғма ҳисоботини — давлат статистика органлари

тик ҳисоботини нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (ХУЖМШ) дан ташқари) 2021 йилнинг 15 февралидан кечиктирмай;

1-FX shakli (йиллик) давлат статистик ҳисоботини фермер хўжаликлари 2021 йилнинг 25 февралидан кечиктирмай; 1-NNТ шакли (йиллик) ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмаси, жамоат фонди, муассаса, уюшма (иттифоқ) бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар, халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхона ва филиаллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари 2021 йилнинг 2 мартдан кечиктирмай статистика органларига интернет орқали тақдим этишлари шарт.

Юқорида қайд этилган йиллик ҳисоботларни электрон тақдим этиш бўйича тушунтиришларни давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz ва вилоят статистика бошқармасининг www.surxonstat.uz сайтидан ёки жойлардаги туманлар, шаҳар статистика бўлимларидан олишларингиз мумкин.

Давлат статистика ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмаган ёки нотўғри тақдим этган хўжалик, корхона ва ташкилот раҳбарлари ва масъул ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекс”нинг 215-моддасига асосан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилиши тўғрисида огоҳлантирамиз.

Денов туман статистика бўлими Тел: 76-223-07-19

ЎТГАН ЙИЛДА ҚАНДАЙ ИШЛАДИК? Денов туманида 2020 йил якуни бўйича асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили

Кўрсаткичлар номи	Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар млрд. сўм	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан %
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	869,4	104,9
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	314,1	105,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш	3088,8	104
Қурилиш индустрияси ишлари ҳажми	345,4	112,5
Асосий капитал инвестициялар ҳажми	627,5	101,4
Хизматлар ҳажми	1625,4	103,4
Ҳақова товар айлабмаси	2976,9	103,8
Экспорт (минг АҚШ доллар)	42237,8	182,5
Импорт (минг АҚШ доллар)	31259,7	52,1

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ жараёни 2022 йилдан 2023 йилга кўчирилди

Президент фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш 2022 йил ноябрь ойида ўтказилиши белгиланган эди.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбири кенг кўламли, кўп вақт ва катта маблағ талаб этадиган тадбир бўлиб, уни ўтказиш учун 2-3 йил давомида тайёргарлик ишларини олиб бориш керак.

Шу сабабли, тадбирга пухта тайёргарлик кўриш ва уни сифатли ўтказиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг янги қарори билан аҳолини рўйхатга олиш тадбири 2023 йилда ўтказилиши белгиланди.

Денов туман статистика бўлими.

ЭЪЛОН, ЭЪЛОН

«Денов автошоҳбекати» масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари (иштирокчилари) Диққатига!

2021 йил 5 март куни бўлиб ўтадиган «Денов автошоҳбекати» масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари (иштирокчилари)нинг навбатдаги умумий йиғилиши Денов шаҳар, Ш.Рашидов кўчаси, 352-уйда жамият маъмурий биносидан соат 10:00да бўлиб ўтади.

Кун тартибидаги масалалар:
1.«Денов автошоҳбекати» масъулияти чекланган жамиятининг 2020 йил бўйича молиявий ҳисоботи.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3589 сонли ҳамда 2020 йил апрель ойидаги Вазирлар Маҳкамасининг 222-қарори ижросини таъминлаш масаласи.

«Денов автошоҳбекати» масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари (иштирокчилари) умумий йиғилишида қатнашишлари учун шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари ёки ишончнома билан келишлари сўралади.

ОЛТИНСОЙ ТУМАНИ ҲОКИМИ КУБОГИ

Спорт мусобақалари голиблари аниқланди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг тартибда этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Олтинсой тумани ҳокимилиги ва туман Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлигида тумандаги корхона-ташкilot ва муассаса ходимлари ўртасида мини футбол бўйича “ҲОКИМ КУБОГИ” спорт мусобақаси ташкил этилган.

Олтинсой туманида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва спорт билан мунта-

зам шуғулланиш мақсадида туман ташкилотлари ўртасида мини футбол спорт тури бўйича туман ҳокими кубоги спорт мусобақалари ўз ниҳоясига етди.

Мини футбол бўйича ўтказилган туман ҳокими кубоги спорт мусобақасида:

I-ўринни туман Ободонлаштириш бошқармаси жамоаси, II-ўринни туман Адлия бўлими, III-ўринни туман Тиббиёт бирлашмаси футболчилари эгаллашди.

Голибларга Олтинсой тумани ҳокимининг эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

Одил СОДИҚОВ.

(Боши 1-саҳифада).

Ҳозирги кунда юртимизда Тошкент Давлат Жисмоний тарбия институти, ўн бешта Олимпия захиралари коллежи, ҳар бир педагогика Олий таълим муассасасида жисмоний маданият факультетлари шунингдек, спортнинг барча жабҳалари бўйича юзлаб машгулот даргоҳлари ва тўғарақлар фаолият олиб бормоқда. Матонатли ёшларимиз барча қулайликларга эга бўлган даргоҳларда илм ва маҳоратларини ошириб, Олимпия ўйинларида, халқаро мусобақаларда, жаҳонни лол қолдириб мадҳиямиз

бўйича даст кўтаришда 194 кг, силтаб кўтаришда 237 кг тош кўтариб, Олимпиада рекордини янгилади ва ўзининг номини Гиннеснинг рекордлар китобига муҳрлади. Рекорд ўрнатган ва машҳур бўлган юртдошларимиз билан ҳар қанча фахрлансак кам.

Спортчиларимиз жонажон Ўзбекистонимизнинг довуғини кўкларга кўтариб, давлатлараро тан олинишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бунинг замирида албатта Президентимизнинг спортга бўлган юксак эътибори ва ғамхўрлиги мужассам.

Биз жисмоний маданият ходимлари ҳам

ЮКСАК ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

садолари остида Ўзбекистон байроғини юқори кўтармоқдалар.

Спортнинг гимнастика ва бадий гимнастика тури бўйича етти марта Олимпиада қатнашчиси жаҳон чемпиони Оксана Чусовина, енгил атлетика турининг баландликка сакраш йўналиши бўйича Осиё ўйинлари голиби, Олимпиада қатнашчиси Светлана Радзивил, “Брасс” усули бўйича юз метрлик масофага сузиб, икки марта жаҳон рекордини ўрнатган Олимпиада қатнашчиси Светлана Бабанина, Рио де Жанеро шаҳрида ўтказилган Олимпиадада спортнинг бокс тури бўйича олтин медаль соҳиби Ҳасанбой Дўсматов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Руслан Нуриддиновдек ўғлонларимиз борки, Рио де Жанеро шаҳрида ўтказилган Олимпиадада спортнинг оғир атлетика тури

бор имконият ва куч – қудратимизни фарзандларимиз соғломлиги, бақувватлиги йўлида сафарбар этамиз.



Жасур ХОЛОВ,
Олтинсой туманидаги 10-сонли умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси.

Мозийдан садо

ХОЛЧАЁН ЁДГОРЛИГИ

Денов қадимдан илм-маърифат марказларидан бири бўлган. Шу сабабдан ҳам тарихий обидаларга бой манзил ҳисобланади. Ана шундай обидалардан бири Холчаён ёдгорлигидир.



Таъкидлаш керакки, 1960 йилда Санъатшунослик институтининг профессори Г.А. Пугаченкова раҳбарлигидаги экспедиция Холчаён тепалигини текшира бошлаган. Бу ердан топилган ёдгор-

ликлар Денов тарихига янги саҳифа киритганлиги билан қувонарлидир. Холчаён топилмаларини илмий текшириш жараёнида Хонақоҳтепа, Қорабоғтепа ҳамда Маслаҳаттепа каби тепаликларнинг сир-синоатлари ўрганилди. Холчаёндаги текширилган Бақтрия ва Кушон замонининг би-

нокорлик техникаси тўғрисидаги маълум тасаввурларни кенгайтирди.

Холчаёнда тадқиқот олиб борилган бир неча жойларда Юнон-Бақтрия подшолиги даври (мил. авв. III-1 асрлар) археологияси акс этган. Дмитрий тангасининг топиллиши ҳамда Қорабоғтепадаги мил.авв. I-II асрларга оид иморатлар қайд этилгани бунга мисол бўла олади. Холчаёндан оссурий сифатида оғир қопқоқли аъло даражада тайёрланган хум танланган. Хумнинг ичида кўкрак суяги ва шикастланган бош суяги бўлган. Мурда йиртқич қушлар еб кетиши

учун тепалик ва қояларга қўйилган. Сўнгра тозаланган суяк қолдиқлари суякдонга жойлаштирилган.

Маълумки, милодий II аср охири ва III аср бошларида Кушон империяси инқирозга юз тутди. Бу жараён Холчаёнда ёрқин из қолдиради. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Холчаёндан VI аср охири ва VII асрга оид турк-сўғд туркумига тааллуқли тангалар топилган. Улар Сўғд ва Шошдан топилган тангаларга ўхшасада, маълум даражада фарқ қилади. Холчаён ёдгорлигини ўрганиш Бақтрия маданий ҳаётига, айниқса унинг бадий маданиятига янги маълумотлар киритди.

Чори ШОЙНАЗАРОВ,
Узун тумани.

МАТЕМАТИК МАНТИҚ

Фикрлаш жараёнини турли символлар ёрдамида, математик усул асосида ўрганади. Бу таълимот мантиқ фанининг ривожланишида янги босқич ҳисобланади.

Аммо математик мантиқнинг математиканинг ўзидан ҳам, мантиқ илмидан ҳам фарқли томонлари бор. Шунинг учун математиканинг барча томонларини бу мантиқ қонунлари билан изоҳлаб бўлмайди. Шунингдек, мантикий қонун ва шаклларнинг ҳаммасини ҳам математик усул билан ҳал қилиш мушкул. Шунга қарамаздан математик усул мантиқ фанига сингиб бормоқда, унинг ажралмас қисми бўлиб такомиллашмоқда.

Ҳозирги замон мантиқ илмини символларсиз, математик мавҳумийликсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун мантиқ илми мутахассислари математик мантиқ асослари билан таниш бўлишлари зарур. Мантиқ жараёнини турли символлар билан ифодалашга интилиш Аристотель асарларидаёқ кўзга ташланади. XVI – XVII асрларга келиб, механика ва математика фани ривожланиши билан математик методни мантиққа тадбиқ этиш имконияти кенгай борди.

Немис файласуфи Лейбниц ҳар хил масалаларни ечишга имкон берувчи мантикий математик метод яратишга интилиб, мантиқни математиклаштиришга асос солди. Мантикий жараёни математик усуллар ёрдамида ифодалаш асосан XIX асрларга келиб ривожлана бошлади. Бу даврда яшаган рус олими И. С. Порецкий, немис ва инглиз олимлари Ж. Буль, Фурье, Морган, Шрёдер кабилар ўзларининг асарларида бу масалага оид фикрларни илгари суришди. Ҳозирги вақтда математик мантикий методлар фан ва техникада, кибернетикада таржимон машиналарда ва бошқа кўп халқ ҳўжалиги ишларида қўлланилмоқда.

Мухаббат МАМАРАСУЛОВА,
Олтинсой туманидаги 22- мактабнинг математика фани ўқитувчиси.

Олтинсой туманида яшовчи Бегматова Матлуба Хурсановнага тумандаги 2-мактаб томонидан 2007 йилда берилган О`R-SH № 0698266 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР қилинади.

Олтинсой туманидаги 43-сонли умумтаълим мактаби томонидан 1995 йилда фуқаро Атамуратова Улдона Бобомуратовнага берилган АО №089339 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР қилинади.

Олтинсой туманида фаол юритаётган «MALIKAXON SOATMURODOVA» оилавий корхонасига тегишли бир дона айлана муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР қилинади.

TASHRIF
ижтимоий —
сиёсий газета
Муассис: «Ташриф
Сурхон» МЧЖ

Газета Сурхондарё
ҳамда республикамизнинг айрим вилоятлари бўйлаб тарқалмоқда.

Бош муҳаррир:
Темиров Хусниддин Нормуродович

Газета Ўзбекистон Матбуот ва Аxbорот агентлиги Сурхондарё вилоят худудий бошқармаси томонидан 2016 йил 12 апрель куни 11-065 рақами билан қайта рўйхатга олинган. Нашр индекси: 6529

Навбатчи: **Г.АБДУЖАЛИЛОВА**
Мусаххих: **Н.АБДУРАҲИМОВА**

«Денов босмаҳонаси» МЧЖда А-3 ҳажмда чоп этилди. Адади: 3000 нусха.

Баҳоси сотувда келишилган нарҳда.
t-тижорат белгиси.

Газета «Tashrif Surxon» МЧЖнинг компьютер бўлимида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи:
Фахриддин ПРАНОВ

Босишга топшириш вақти 16.00.
Буюртма 2

Тахририят манзили: Денов шаҳри 190500. Ш.Рашидов кўчаси, 247-уй. ТЕЛ: 0376-4135374.